



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doverie.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2012-yil 30-iyun № 80 (3117) shanba

Веломарафон



Саломатлик, экология, оммавийлик

Муқаддима

Буюк Британия олимларининг сўнгги йилларда ўтказган сўрновномаларига кўра, «1800 йилдан бери ихтиро қилинган энг буюк кашфиёт» номини кўлга киритган велосипед бизнесининг ҳаётимизда қандай ўринга эга? Юртимизда унинг одимлари қай манзилларга элтмоқда? Велоспорт ривожини йўлида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Нега сўнгги йилларда бу улвнинг оммалашини борасида кўпчилик бош қотирмоқда? Ютуқ ва камчиликларимиз қай ўринларда кўзга ташланади? Эндиликда олдимизда қандай вазифалар турибди?

Саволбозликни бу ўринда бас қилиб, шуни ишонч билан айтишимиз мумкинки, велоспорт сўнгги йилларда юртимизда кенг оммалашмоқда. Ташкил қилинаётган веломарафонлару велотурлар ўзининг ижобий ҳосилаларини бермоқда. Бу борада Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши салмоқли ишларни амалга оширмоқда десак, асло муболаға бўлмас. 2011 йилнинг ибтисодида юртимиз Велоспорт Федерациясининг бош ҳомиysi этиб тайинланган ЎзКУФК

томонидан бу борада катта ташаббусларга кўл урилмоқда. Етарлича техник воситалар харид қилиб берилгани, ҳаваскору профессионал спортчилар ўртасида ташкил қилинган мусобақалар шундай дейишимизга асос вазифасини ўтайди. Бундан ташқари, велоспортчиларимизнинг жаҳон майдонларида кўлга киритаётган ютуқлари, жорий йилнинг 27 июль — 12 август кунлари Лондонда ўтказилган XXX ёзи Олимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган йўлнамаларнинг Муроджон Холмуродов ва Сергей Лагутин каби спортчиларимиз ҳисобида борлигидан қувонмай, фахрланмай бўладими ахир.

Ҳаваскорлар бел боғлаган кун

ЎзКУФК томонидан велоспорт ривожини йўлида амалга оширилайётган эзгу ишлардан бири — бутун юртимиз бўйлаб ҳаваскор велоспортчилар орасида ўтказилган Веломарафондир. Мазкур мусобақанинг барча босқичларида б минг нафардан зиёд ҳаваскорнинг баҳашгани — салмоқли натижа.

Кунни кеча пойтахтимиздаги «Наврўз» мажмуаси ён-атрофидаги трассаларда ўтказилган мазкур Ве-

ломарафоннинг Республика якуний босқичи спортга ошно кўнгилларга хушнудлик улашди. Мусобақанинг очилиш маросимида иштирок этган ЎзКУФК ҳамда Велоспорт Федерацияси раиси Танзила Нарбаева иштирокчиларни кутлар экан, жумладан, шундай деди:

— Юртимиз мустақиллики кўлга киритган илк кунлардан бошлаб, муҳтарам Президентимиз раҳнаомлигида барча соҳалар қатори спортга ҳам катта эътибор берилмоқда. Бу эътибор натижаси ўларок, спортчиларимизнинг дунё ареналарида кўлга киритаётган ютуқлари барча-

мизни бирдай хушнуд қилади. Сўнгги йилларда юртимизда велоспортнинг кенг оммалашиб бораётгани эса жамиятимизда соғлом муҳитнинг қарор топиши ҳамда табиатимиз мусофқолигига хизмат қилади, албатта. Бугунги ўзига хос спорт байрами билан чин дилдан табриклаб, барчангизга муваффақият тилайман.

Албатта, шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, велосипед — нафақат тани чинқиртувчи муҳим техника, балки экологик тоза транспорт воситаси ҳамдир. Зеро, сўнгги йилларда қурра заминда экологик муҳитнинг салбий томонга ўзгариб бораётгани ҳақида очунинг фикрли одамлари тобора кўпроқ бонг урмоқдалар. Об-ҳавонинг тобора ифлосланиб бораётгани, турли зарарли ва захарли газларнинг атмосфера қатламларига сингиб кетаётгани хар биримизни дўппини бошдан олиб, ўйлаб қўришга ундайди. Зеро, саломга яраша алик, дейдилар.

Бу жихатларни таҳлил доирасига киритсак, на ёқилги, на бензини газ талаб қиладиган жўнгина велосипеднинг ҳаётимиз ва табиатимиз мусофқолигига тутган ўрни аққол намоён бўлади.


(Давоми 4-бетда).



Эътибор

Юртимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг ўқиб-изланиши, истеъдодини намоён этиши учун етарли имконият яратиш бериш давлатимизнинг устувор вазифаларидан. Бу каби хайрли ишларни амалга оширишда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси ҳам четда қолаётгани йўқ. Айниқса, иқтидорли ёшлар, кам таъминланган оила фарзандларини моддий ва маънавий кўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаётир.


Талаба — стипендия соҳиблари



Ташкилоти билан ўқитилган талаблар асосида бирлашма кенгаши ташаббуси билан ўтказилган тадбир бунга яна бир бор ғувоҳ бўлдик.

«Мустақкам оила йили» Давлат дастурида кўрсатилган талаблар асосида бирлашма кенгаши ташаббуси билан ўтказилган 24 нафар стипендия соҳиблари бўлди. Яна 26 нафар ёшдаги мустақиллик байрами арафасида тақдирланган мақсад қилганми. Стипендияларимиз сафига олий ўқув юртида таълим олаётган фаол, интилувчан йигит-қизларни ҳам киритиш мўлжалланган.

Ўз мухбиримиз



Истиқлол берган имкониятлар

Изланишни хуш кўрувчи, ташаббускор, яратиш завқини ҳис этадиган кишиларга тадбиркор дея таъриф берилди. Юртдошларимиз орасида бундайлар оз эмас.

Пастдаргомлик Гулбека Кўчқорова меҳнат фаолиятини оддий тикувчиликдан бошлаб, катта муваффақиятга эришганлардан. Аслида у ҳам бошқаларга ўхшаб бежирим, юқори дизайнли либослар яратиш, тирикчилигини қилиб юравериши мумкин эди. Шундоқ ҳам миқозлари етарли, у яратган либослардан завқланувчилар оз эмасди. Аммо Гулбека каттароқ ишларга кўл урди. Чевар тикувчилардан иборат жамоа ташкил этди. 2008 йилда «Микрокредитбанк»нинг туман филиалидан 2 миллион сўм кредит олиб, ўз ишлаб чиқаришига асос солди. Икки нафар аёлни ишга олиб, илк маҳсулотини бозорга чиқарди.

салонлари ҳам бор.

Худуд коллежларини тамомлаган мутахассис ёшлар бу ерга биринчилардан бўлиб ишга олинди. Илк одимлардан кўпчиликка манзур бўлган мажмуа фаолият турини янада кенгайтириб, маҳсулот бозоридаги рақобатга киришган.

Иқтидорлар ҳақида қанча гапирсак оз. Пахтачилик Феруза Нурназарова оддий, аммо нозик соҳани танлади. У ав-

Микрокредит — оилавий фаровонликка

«Микрокредитбанк»нинг Пахтабод филиали томонидан жорий йилнинг беш ойи давомида оилавий тадбиркорлик ва хусусий бизнесни ривожлантириш мақсадида 308 млн. сўмлик кредитлар ажратилди.

— Мустақкам оила йилида оилавий тадбиркорликни янада ривожлантиришга асосий эътиборни қаратяпмиз, — дейди банк бошқарувчиси вазифасини бажарувчи Д.Абдуллаева.

Дарҳақиқат, имтиёзли шартларда берилмаётган микрокредитлар эвазига янги-янги иш уринлари яратилмоқда. Туманда фаолият олиб бораётган «Ширин Лазаат Инвест» қандолатчилар оилавий корхонасига ажратилган 31 млн. сўмлик кредит туфайли 4 та иш ўрни яратилиб, янги технология ишга туширилди.

Сўг ва сўг маҳсулотларини қайта ишловчи «Ал-Сабир» корхонасига ҳам 25 млн. сўмлик кредит берилган боис 6 та янги иш ўрни барпо этилди. Умуман олганда, туманда шу йил ҳисобидан жами 43 нафар фуқарога кредитлар ажратилиб, 48 та янги иш ўрни яратилди.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

Гулистон шаҳрининг «Дўстлик» маҳалласида яшовчи Маҳмуд Маматқуловлар оиласи мустақиллик берган ушкан имкониятлардан унумли фойдаланаётганлардан.

Хунармандлар сулоласи

Асли андижонлик бўлган Маҳмуд аканинг бобоси Маматқул ота воҳада донги кетган бешиқдўз, сандиқчилардан эди. Отаси Усмонжон ака ҳам шу касбни пухта эгаллаган, қўли гул хунармандлардан.

— Эсимни таниганимдан бунён шу хунар шайдосиман — дейди биз билан суҳбатда Маҳмуджон Маматқулов. — Аввалида отамга шогирд бўлдим. Йигирма йилдики ўзим ҳам устозман. Фарзандларим Жумабек, Иброҳимжонлар сулоламиз анъаналарини давом эттиришмоқда.

Едимда, собиқ шўро тузуми даврида ясаган маҳсулотларимизни бозорда эмин-эркин сота олмадик. Мустақиллик даврида эса миллий хунармандчиликка эътибор кучайиб, катта имкониятлар яратиб берилди.

Яқинда қабул қилинган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун билан танишиб, беҳад мамнун бўлдим. Унда оилавий корхоналарга мустақил равишда маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни тасарруф этиш, нарх белгилаш, ўз молиявий маблагларини шакллантириш, хунари ортидан чекланмаган миқдорда даромад олиш, ҳатто ташқи иқтисодий алоқаларни ҳам амалга ошириш каби ҳақ-ҳуқуқлар белгиланган. Эзгу ниятимиз — келажақда оилавий корхона ташкил этиш ва тайёрланган миллий хунармандчилик маҳсулотларини хорижга чиқаришдан иборат.

Халол меҳнат туфайли Маматқуловлар оиласи фаровон, турмуши тўқис, дастурхони эса сервайз, баракали. Хонадон соҳиблари меҳнати ортидан иккита ўғил ва иккита қизини уйли-жойли қилди. Бу хонадонда тайёрланаётган маҳсулотлар пишиқ-пухта, сифатли. Шу боис буортмачиларнинг кети узилмайд.

Анонбой НОРКУЛОВ

Тадбиркор — элга мададкор

«Бека чарос» хусусий корхонаси тамгаси остида тайёрланган маҳсулот миқозларга манзур бўлди. Зафарли одимлар фаолиятини кенгайтириш, маҳсулот тури ва сифатини яхшилашни тақозо этарди. Бунинг учун малакали тикувчиларни жалб этиш, замонавий технология олиб кириш керак эди. Оқибати маблагга бориб тақаладиган ойдин режаларнинг амалга ошишида қадрдон банки елкадош бўлди.

— Утган вақт мобайнида банкдан уч марта кредит олдик, — дейди Г.Кўчқорова. — Маблагини оқилона сарфладик. Ҳозирги кунда корхонамизда 15 нафар киши иш билан таъминланган. 20 турдан зиёд тайёр маҳсулот ишлаб чиқараяпмиз. Кредитларни ўз фурсатида қайтарганимиз. Ишончли ҳамкор эътибордан четда қолмайди. «Бека чарос» ҳам ўз фаолияти давомида банкни ранжитмади. Келишилган шартлар доирасида фаолият

юритди. Яқинда банкнинг галдаги тўхфасидан тадбиркорлар мамнун бўлишди. Корхона раҳбарига «Микрокредитбанк»нинг ишончли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатни топширилди. Эндиликда тикув корхонаси парвозни янада баландроқ олишни мўлжалламоқда.

Жума шаҳри кўркига кўрк бахш этган мўъжаз иншоот яна бир тадбиркор аёл шижоати мевадидир. Қисқа фурсатда барпо этилган мажмуа аҳолига савдо ва маънавий хизмат кўрсатишга мўлжалланган. «Дилхуш Латофат» МЧЖ раҳбари, тадбиркор Саноат Жуманова ана шундай эзгу ишларга бош-қош бўлаётир. Унинг ташаббуси билан қурилган янги мажмуада радио-техника, саноат маҳсулотлари, спорт анжомларидан тортиб, дарслигу адабиётлар савдосигача йўлга қўйилган. Шунингдек, компютер, уяли алоқа воситаларини таъмирлаш, тикувчилик чеҳи, гўзаллик

томобил ва йўллар касб-хунар коллежидан ўқиш баробарида хонадонда гул парваришга меҳр қўйди. Бу юмушга онаси ва синглисини ҳам жалб этди. Соҳага янгилик олиб кирди. «Менинг бизнес лойиҳам» танловида муваффақиятли иштирок этиб, «Микрокредитбанк»нинг имтиёзли кредитини кўлга киритди. Мўъжаз иссиқхона яратиш нияти ҳам бор.

Самарқанд машиний хизмат касб-хунар коллежи ўқувчиси Нафиса Эсонова эса тикувчилик сир-асрорини пухта эгаллади. У Республика ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан ташкил этилган «Касб маҳорати» танлови ғолиби. Шижоатли, тадбиркор аёллар, изланувчан қизларимиз хайтига бир қур назар солдик, холос. Бундай шижоатли аёллар юртимизнинг ҳар бир гўшасида бор.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

«УСТОЗ-ШОГИРД» ТИЗИМИ — АМАЛДА

Бугунги амалиётчи — эртанги мутахассис

Ўзбекистон касаба уюшмалари томонидан касб-хунар коллежлари битирувчиларини амалиёт ўташи ва кейинчалик ишга жойлаштириш учун қорхоналарга бириктириш, ёшлар учун яратилган иш ўринларининг барқарорлигини таъминлаш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ишларида талабчанликни оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

вакиллари томонидан жойларда масалани биргаликда ўрганиш ва амалий ёрдам беришга жиддий аҳамият берилаяпти.

Дарвоқе, ЎзКУФК томонидан яқинда ушбу қарор мазмун-моҳиятига бағишлаб ўтказилган семинарда ҳам касаба уюшмаларининг бу йўналишда амалга ошираётган ишлари таҳлил қилиниб, коллеж ўқувчиларини қўллаб-қувватлаш масаласига эътиборни янада кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги қорхона-ташкilotларда «Устоз-шогирд» усулини жорий этиш борасидаги ишлар самарали йўлга қўйилмоқда.



Таянч

Қайд этиш кераки, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимида фаолият юритаётган 4 та касб-хунар коллежида 7476 нафар ўқувчи тахсил олади.

қўллаб-қувватлаш мақсадида маблағлар белгиланган ва режа асосида рағбатлантириб келинмоқда.

марали иш олиб бормоқда. Вилоятда 144 та касб-хунар коллежи фаолият юритаётган бўлиб, уларда 185405 нафар ўқувчи тахсил олади.

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси тасарруфида 134 та қорхона бўлиб, шундан 99 тасида жорий йилда 2757 нафар коллеж ўқувчиси ишлаб чиқариш амалиётини ўтади.

Бўлажак темирйўлчилар

Ўтган йили мазкур коллежларни битирган 1520 нафар ўқувчининг 1362 нафари тизимдаги қорхона ва ташкilotларга ишга жойлашди.

Кўникма

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва унинг тасарруфидаги ташкilotлар томонидан «Устоз-шогирд» тизимини жорий этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Масалан, Сирдарё вилоятида тармоқдаги коллежлар, уларда тахсил олаётган ўқувчи, битирувчи ва ишга жойлаштирилган ёш ходимлар сони ўрганилмоқда.

билан меҳнат муҳофазаси йўриқномаси асосида сўбатлар ўтказилган.

Жорий йилда 47 та коллежни 12221 нафар ўқувчи битирди. Кам таъминланган 259 нафар ўқувчига ташкilotларга амалиётга боргандан кейин уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 3,3 млн. сўм, ишга жойлашган 114 нафар битирувчига 3,6 млн. сўм бир марталик моддий ёрдам берилган.

Амалиёт ўтаётган ўқувчилар ҳамда ишга жойлашган битирувчиларга меҳнатни муҳофиза қилиш, иш вақти, таътил ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида қўшимча имтиёзлар, бир марталик тўловлар ва қўшимча иш ҳақи бериш, касб маҳорати бўйича танловлар ўтказиш йўлга қўйилган.

Жамоат ишларида фаол қатнашган, аълочи ўқувчилар учун касаба уюшма маблағлари ҳисобидан стипендиялар ҳам таъсис этилган.

Умуман, бугунга қадар тармоқ тизимидаги 673 та коллежнинг 231588 нафар битирувчиси 54878 та қорхона ва ташкilotга бириктирилган.

Республика миқёсида 2012 йилнинг 1 апрел ҳолатига коллежларни битириб, ҳақ таълими муассасаларига ишга кирган 49 минг 294 нафар ёш мутахассис

Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши қорраларига асосан ҳудудий касаба уюшма ташкilotлари таркибидаги бошланғич ва цех ташкilotларига юриш оналари билан ҳамкорликда коллеж ўқувчи ва битирувчиларининг амалиёт ўташига кўмаклаштириш бўйича тегишли вазифалар юклатилган.

Агентлик ҳамда Марказий кенгаш ўртасида 2012-2014 йилларга тузилган тармоқ келишувиде «Устоз-шогирд» йўналишида фаолият юритаётган ходимга устама ҳақ тўлаш, шунингдек, ўқув муассасасини битиргандан сўнг ишга қабул қилинган ёш мутахассисга энг кам иш ҳақининг 5 баробаригача маблағ тўланиши тариф келишуви ва жамоа шартномаларига киритилган.

Ҳудудий, шаҳар ва туман бошланғич касаба уюшма ташкilotлари маблағидан 1988 нафар амалиёт ўтаётган ўқувчига (20 фоизли) моддий ёрдам кўрсатилган.



Элшод ЮСУПОВ, Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раисининг ўринбосари

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раёсатининг 2012 йил 6 мартда қабул қилган қарорига асосан ҳудудий тармоқ касаба уюшмаси кенгашларига касб-хунар коллежларида тахсил олаётган кам таъминланган ўқувчиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш вазифаси юклатилди.

Устувор вазифа масъулияти



Тармоқ касаба уюшмаси тизимида 131 та касб-хунар коллежи мавжуд. Уларда 134773 нафар ўқувчи тахсил олмақда ҳамда 14 минг нафардан зиёд ишчи-ҳодим фаолият юриятти.

Жойларида қўнимлигини ўрганиш бўйича мониторинг ўрнатилган. Унга қўра, жорий йил 1 июн ҳолати бўйича 1546 та ташкilotда 10117 нафар ёш мутахассис ишини давом эттираётди.

қунда тармоқ тизими бўйича 71771 нафар коллеж ўқувчиси амалиёт ўташ учун 10952 та қорхона ва ташкilotга бириктирилган.

Шунингдек, 1601 нафар ўқувчига (2011 йилда амалиёт ўтаганлар ҳисобидан) 20 млн. 146 минг (20 фоизли), 2011 йилда ўқини тугатган 237 нафар ўқувчига 6 млн. 433 минг сўм (50 фоизли) касаба уюшма ҳисобидан моддий ёрдам берилди.

2012 йилда амалиёт ўтаган ва 2011 йилда коллежни битирганлар ҳисобидан 318 нафар ўқувчига (20 фоизли) ва 29 нафар ўқувчига (50 фоизли) моддий ёрдам берилиб, 491700 сўм сарфланган.

Коллеж битирувчиларининг иш

Шажоноза ХУДОЙБЕРДИЕВА, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг бош мутахассиси

Қайд этиш жоизки, тармоқ касаба уюшмаси Қашқадар вилояти кенгаши тизимига қарашли қорхоналарда жорий йил 1 апрел ҳолатига 4279 та қорхона ва ташкilotда 8274 нафар коллеж битирувчиси ишга жойлаштирилди.

Турсун НИЁЗОВ, Агросоноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бўлим мудири

Самарали ҳамкорлик

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2012 йил 2 мартдаги қарори асосида Агросоноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг қарори қабул қилиниб, тармоқ касаба уюшма ташкilotларида «Устоз-шогирд» тизимини ривожлантириш бўйича қатор вазифалар белгилаб берилди.

«Устоз-шогирд» тизимини жорий этиш бўйича тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари томонидан олиб борилган мониторингга қўра, 2012 йил 1 апрел ҳолатига тармоқ тизимидаги 251 та коллеж битирувчиларидан 80318 нафарининг иш билан таъминланишига эришилди.

Ўтиши, махсус кийим-бош ва пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари, озиқ-овқат билан таъминланганлиги бўйича 140 та ташкilotда назорат ўтказилди.

Қайд этиш жоизки, тармоқ касаба уюшмаси Қашқадар вилояти кенгаши тизимига қарашли қорхоналарда жорий йил 1 апрел ҳолатига 4279 та қорхона ва ташкilotда 8274 нафар коллеж битирувчиси ишга жойлаштирилди.

Турсун НИЁЗОВ, Агросоноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бўлим мудири

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Бугунги кунда Давлат солиқ кўмитасининг расмий сайти орқали 16 та давлат интерактив хизмат тури ҳамда бошқа қатор фойдали электрон хизматлар кўрсатилаётир. «Электрон солиқ ҳисоботларини қабул қилиш» интерактив хизмат тури ана шулар сирасидан. У Президентимизнинг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан ишлаб чиқилган. Унда солиқ тўловчилар ҳисоботларини электрон кўринишида топшириши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Электрон тизимга ўтилоқда

Хусусан, электрон шаклда юборилган ҳисоботларда электрон рақамли имзо (ЭРИ)дан фойдаланилганлиги сабабли мазкур ҳисоботлар имзоланган расмий ҳужжат мақомига тенглаштирилган. Ушбу тизимдан фойдаланган солиқ тўловчи ҳисобот топшириш учун вақтини беҳуда сарфлаб навбатда турмайди. Солиқ ҳамда молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва расмийлаштириш жараёнида юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган хатоликларни тўғрилаш осон кечади. Шунингдек, қоғоз ва бошқа харажатлар тежалди.

Президентимизнинг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ барча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини 2014 йилнинг охирига қадар солиқ ҳамда молиявий ҳисоботларни топширишининг электрон тизимига бошқичма-бошқич ўтказиш белгиланган. Айна пайтда давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчилар ўртасида мазкур тизимнинг қўлайликлари ва афзалликлари ҳақида кенг тушунтириш-тарғибот ишлари олиб бориляпти.

Натижада ушбу тизимдан фойдаланувчилар сони 2011 йил якунида 194785 та бўлган бўлса, жорий йилнинг январь-май ойларида 206405 тага етди. Бу эса солиқ ҳисоботларини тақдим этиш мажбуриятига эга бўлган корхоналарнинг 84 фоизини ташкил этади.

Давлат солиқ кўмитаси ташкил этган матбуот анжуманида шулар хусусида сўз юритилди.

Шарофат НОРКУЛОВА,
«Ishonch» муҳбири

Тиббий ислохотларнинг бош мезони

Инсон саломатлиги — бебаҳо бойлик. Киши соғлом бўлсагина ҳаёт завқини ҳис қилади, соғлом фикрлайди, оиласига, жамиятга нафти тегади. Ортимида истиқболнинг илк йилларида аҳоли саломатлигини муҳофизат қилиш, хусусан, оналар ва болалар саломатлигини асраш, фуқаролар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масалалари устувор вазифа сифатида белгиланди. Президентимиз ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган бир қатор қонун ва қарорлар қабул қилинди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги «Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори соҳа ривожига муҳим омил бўлаётир.

«Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни шакллантириш борасида амалга оширилган ишлар, истиқболдаги режалар» мазмунини ўқитишга матбуот анжуманида бу хусусда батафсил тўхталиб ўтилди. Она ва бола саломатлигини муҳофизат қилиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда замонавий тиббиёт муассасаси сифатида шаклланаётган қишлоқ врачлик пунктларининг алоҳида ўрни бор. Мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида жаҳон андозаларига мос, сўнгги рўсумдаги тиббий ускуналар билан таъминланган ҚВПлар уч мингдан зиёд ташкил этилди. 2010 йилда бу муассасаларда 158 мингдан зиёд, яъни 2000 йилга нисбатан 10 баробар кўп она ва бола тиббий қўриқдан ўтказилди. Бунинг натижасида оналар ўлками 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлими эса 3 баробар камайди.

— Оналар ва болалар саломатлигини муҳофизат қилиш борасида эришяётган ютуқлар халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилаётир, — дейди Республика аҳоли репродуктив саломатлиги маркази раҳбари Маҳмуд Каттахўжаева. —

Бирок ютуқлар баробарида бартарф этишимиз лозим бўлган баъзи муаммолар ҳам бор. Аҳоли ўртасида қиларан эрта турмушга узатиш, қариндошлар ўртасидаги никоҳ ҳолатлари ҳамон учраб турибди. Шунинг учун қишлоқ ва маҳаллаларда тиббиёт ходимлари томонидан тарғибот-тушунтириш ишларини янада кучайтиришимиз зарур.

Эътиборли жиҳати, юртимизда қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳам асосий вазифалардан бири саналади. Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, ўтган йиллар ичида 3172 та ҚВП тиббий жиҳозлар, 90 та туман тиббиёт бирлашмаси лабораториялари диагностика аппаратлар ҳамда 575 та биохимик анализаторлар билан таъминланди. Мазкур муассасаларга 400 дан ортиқ «Дамас» ва «УАЗ» русумидаги транспорт воситалари жалб этилди. Бунинг учун умумий қиймати 30 млн. АҚШ долларидан ортиқ маблағ сарфланди.

Анжуманда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида режалаштирилётган бир қатор лойиҳалар юзасидан ҳам маълумот бериб ўтилди.

Давлат божхона кўмитаси томонидан Миллий кинология марказида «Божхона органлари фаолиятида кинология хизматининг тугган ўрни» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда маҳаллий ва хоржий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Божхона тизимида кинология...

Таъкидлаш жоизки, 1996 йил 24 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Миллий кинология марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида минтақадаги ягона Миллий кинология марказининг ташкил этилиши божхона тизимини ривожлантиришга қаратилган юксак эътиборнинг ёрқин намунаси бўлди.

Марказ зиммасига республика ҳуқуқни муҳофизат қилиш органларининг кинология хизматларини услубий таъминлаш, малакали кинологларни, наслдор хизмат итларини ўргатиш ва қайта тайёрларидан ўтказиш каби вазифалар юклатилган. Қисқа даврда Миллий кинология маркази нафақат мамлакатимизда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида том маънода кинологлар ва хизмат итларини тайёрловчи таянч ўқув марказига айланди.

Эндиликда марказ фаолияти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон божхона ташкилоти ва бошқа кўплаб халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилаётир. Жумладан, кинолог мутахассислар ва хизмат итларини тайёрлаш учун яратилган шарт-шароитлар, ходимларнинг профессионал фаолияти ва бошқа бир қатор ютуқлари инobatга олиниб, мазкур марказга 2008 йилда Жаҳон божхона ташкилоти томонидан Минтақавий кинология маркази мақоми берилди.

Рақамларга мурожаат қилсак, сўнгги йилларда марказ томонидан мамлакатимизнинг нафақат Давлат божхона кўмитаси таркибий тузилмаларида, балки бошқа ҳуқуқни муҳофизат қилувчи идораларида фаолият олиб бориш учун 2,5 мингдан зиёд инспектор-кинологлар ўқув курсларида ўқитилди. 3 мингдан ортиқ хизмат итлари ўргатилди. Утган вақт ичида бу ерда тахсил олган кинологлар томонидан хизмат итлари кўмағида аниқланган 1800 дан ортиқ қонунбузарлик ҳолатида 3 тоннага яқин ғиёҳванд моддаларнинг мамлакатимиз сарҳадлари бўйлаб олиб ўтишга бўлган уринишларнинг олди олинди. Шунингдек, 310 та қонунбузарлик ҳолатида жиноятчилар томонидан турли ўқотар қуроллар ва портловчи моддаларнинг ҳудудимизга кириб келишига чек қўйилди.

Анжуман якунида иштирокчилар учун марказ бўйлаб саёҳат ташкил этилди ва йиғилганлар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олдилар.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» муҳбири

Реклама



Бугунги кунда аҳолининг банк пластик карточкаларига бўлган ишончи, шунингдек, ўз ўрнида талаби ҳам ортиб бормоқда. Банкларимиз томонидан эса аҳолининг пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга ошириши учун қўлай шарт-шароит яратиш ҳамда илғор банк технологияларини жорий этиш асосида хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, 2010 йил 19 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу жараёнда асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Жумладан, ОАТБ «Агробанк» Фаргона вилоят бошқармаси банк филиалларида пластик карточкаларни муомалага чиқариш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Муомалага чиқарилган сўм пластик карточкалари орқали тўловларни амалга оширишда кўпгина имкониятлар яратилган. Республикаимизнинг исталган бурчагидаги савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар орқали харид қилинган товар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш мумкин. Машиий хизмат кўрсатиш корхоналари, уяли алоқа компанияларида хизмат ҳақини тўлаш, товарлар сотиб олиш, меҳмонхона, автомобилларга ёқилги қуйиш шохобчаларидан фойдаланиш ҳам шулар жумласидан. Махсус кассаларда терминаллар орқали коммунал тўловлар қабул қилинади.

2012 йил 1 май ҳолатига кўра ОАТБ «Агробанк» вилоят бошқармаси банк филиалларида 277 мингдан зиёд сўм пластик карточкалари бюджет, пенсия ва ҳўжалик юртувчи субъектларнинг ишчи-ҳодимларига тарқатилди. Банк миқозларига янада қўлайлик яратиш мақсадида эса «On-line» режимда ишловчи миллий банкларора пластик карточкалар ҳам муомалага чиқарилди.

Хўш, «On-line» тизимда ишлайдиган сўм пластик карталари қуйидаги қўлайликларга эга: агар миқоз пластик картасини

ўйқотса, ўша заҳоти блокировка қилиш имконияти мавжуд; SMS орқали пластик карточкадаги маълумотлар уяли телефонингизга келиб туради; пластик карточкани загрузка қилиш учун банкка келиш шарт эмас, аксинча пластик карта загрузка қилинмасдан «On-line» тарзида ишлайди; пластик карточкада Е-кармон мавжуд.

«On-line» режимда ишловчи пластик карточка қўлайликларидан яна бири миқозларнинг пластик карточкаларига маблағ загрузка қилинмайди. Савдо ташкилотларига ўрнатилган терминаллар орқали барча банк амалиётлари амалга оширилади. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги субъектларга ўрнатилган савдо терминаллари доимий равишда банк билан алоқада бўлади. Шу боис ушбу турдаги пластик карточкалар «Of-line» режимда ишловчи пластик карточкалардан фарқли равишда ўрнатилган савдо терминалларининг савдо карталари инкассация қилинмайди.

Шу ўринда қайд этиш керакки, жорий йилнинг 1 май ҳолатига 2635 та савдо терминаллари савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги субъектларда ўрнатилган. Ушбу терминаллар орқали шу йилнинг 1 январидан 1 майгача қадар 114 млрд. сўм савдо айланмаси амалга оширилган. ОАТБ «Агробанк» вилоят бошқармаси банк филиалларида 4 донна банккомат ва 11 донна

инфокиоскалар миқозларга узлуксиз хизмат кўрсатиб келмоқда. Банккомат ва инфокиоскалар орқали биллинг (коммунал, электр энергияси, газ ва пайнет) тўловларини амалга ошириш имконияти ҳам яратилган.

Энг муҳими, пластик карточка ишончли ва қўлай. Яъни катта миқдордаги нақд пул олиб юришдан халос бўласиз. Пулларингиз йўқолиши ёки ўғирланиши хавфи бўлмайди. Пластик карточка йўқолган тақдирда ҳам паролсиз ҳеч ким ола olmayди, пуллар банкда ишончли сақланади. Пластик карточка ҳисоб-рақамига республиканинг исталган бурчагида, ҳар қандай банкдан туриб ҳам нақд пул топшириш орқали жамғармани қўлайтириш мумкин. Миқозлар ташкилотлардаги иш ўринларидан ажралмаган ҳолда «On-line» орқали маблағни карточкаларига юклаб олади. Пластик карточка ҳисоб рақамидан бўлган операциялар сир тутилади.

Хуллас, сиз «Агробанк» пластик карточкасига эга бўлишингиз билан маблағингиз хавф-хатардан холи бўлади. Бунда фойдаланиш учун ўзингиз танлаган ва хотирасиза киритган пин-коддан фойдаланасиз ва натижада ўзга шахсларнинг пластик карточкангиздан фойдаланиш эҳтимоли батамом йўқолади. Ундаги пул маблағи Ўзбекистон Республикаси



фуқароларининг банкдаги омонатларини қафолатлаш фонди томонидан қафолатланган.

Дарвоқе, ОАТБ «Агробанк» барча ёш оилалар учун қўлай ва фойдали бўлган имтиёзли пластик карточкаларни тақдим этади!

Унга кўра, маълум савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида харид этилган маҳсулотларга пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб амалга оширилса, чегирма (дисконт) берилади. Бонус лойиҳаси бўйича савдо шохобчасидан доимий равишда махсулот сотиб олсангиз, яъни 10 мартадан ортиқ харид қилсангиз унда тўпланган бонус асосида сизга ушбу савдо шохобчаси томонидан чегирма берилади.

Агар пластик карточкангизга тушган ойлик иш ҳақларингизга ва уларга тенглаштирилган пул маблағингизга савдо ёки хизмат кўрсатиш шохобчаларида нақд пулсиз харидини амалга оширсангиз, банк пластик карточкангиз ҳисоб-варақ қолдиқларига тўланадиган фойзаларига йиллик 4 фоиз ҳисобида қўшимча тўлов билан рағбатлантиради.

Ўз муҳбиримиз

ТАБИАТ ВА БИЗ

Ўзбошимчалик оқибати

Мутахассисларнинг фикрига кўра, дарахтлар кўп бўлган жойда киши ўзини яхши ҳис қилиб, руҳиятида кўтаринкилик юз беради, ҳатто кўриш қобилияти ҳам яхшиланар экан. Бундан ташқари, дарахтлар табиий дренаж вазифасини ҳам бажаради. Бошқача айтганда, бир туپ дарахт ўзидан бир кеча-кундузда 3 киши учун зарур бўладиган кислород чиқаради. Бир гектар майдондаги ўрмонзор эса шу вақт давомида 220-280 килограмм карбонат ангидридни ютиб, 200-220 килограмм кислород ажратади. Ҳар бир катта дарахт йилга 6 килограммга яқин ҳаводаги зарарли бўлган газни ютади.

Афсуски, айрим кимсалар ана шу оддий ҳақиқатни унутиб қўйишмоқда. Мирзо Улуғбек туман ободонлаштириш бошқармасида ишчи вазифасида ишлаган Ускенбай Хушназаров шундайлар сирасидан. У ўзи кўпмакдорлаштириш ва ободонлаштиришга масъул бўлишига қарамай Оққўрғон кўчасида жойлашган бир уйнинг орқа томонидики иккита эман ва иккита заранг дарахтларини кесиб ташлайди. Бу етмагандек, юк машинаси ёллаб, кесилган гўлаларни уйига олиб кетади. Натижада, дарахтларнинг ноқонуний кесилиши оқибатида ўсимлик дунёсига салкам 10 млн. сўмлик моддий зарар етказилади.

Ваҳоданки, белгиланган тартиб-қоидага кўра, агар дарахтларни кесиб учун табиатни муҳофизат қилиш кўмитасига мурожаат қили-

ниши лозим. Кўмитанинг масъул ходими дарахтларни кўздан кечиргач, шунга яраша хулоса беради. Бу қоида ҳатто қуриб қолган дарахтларга ҳам тааллуқли.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида фуқаролар атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбур эканликлари, 55-моддасида эса ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда соҳа табиий заҳиралар умуммиллий бойлик эканлиги белгилаб қўйилган.

Суд томонидан ободонлаштириш бошқармасининг ўзбошимча ишчисига қилмишига яраша жазо тайинланади.

Ҳамид АКРОМОВ,
Мирзо Улуғбек туман прокурорининг ёрдамчиси

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Валютафуруш кўлга тушди

Юртимизда банк тизимида аҳолига намунали хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Жумладан, валюта алмаштириш шохобчалари халқимиз хизматида. Аммо орамизда ноқонуний равишда ушбу фаолият билан шуғулланаётган кимсалар йўқ эмас. Қингир ишга қўл урган одам эса, албатта, жазосиз қолмайди.

Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан Мирзо Улуғбек тумани Мўминова кўчасида фуқаро Равшанбек Юнусбеков қонунга хилоф равишда 4 700 АҚШ долларини таниши Лола Турдиевага 13 160 000 сўмга сотаётган вақтида кўлга олинди. Текширув жараёнида Р. Юнусбековнинг ёнида сотиш учун мулжалланган 500 АҚШ доллар бориғи аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан Равшанбек Юнусбековга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Ундан 5200 АҚШ доллари ашёвий далил сифатида олинди, тегишли далолатнома тузилди.

А. ЮСУФБЕКОВ,
Мирзо Улуғбек тумани прокуратураси катта терговчиси

СЎРАНГ, ЖАВОБ БERAМИЗ

САВОЛ: Оғир хасталикка чалинганман. Фарзандим ҳали вояга етмаган. Унга васиятнома қолдирсам, мендан кейин мол-мулкимга эгалик қилиб, зарур вақтда ижарага бериш ва сотиш шартномаларини туза оладими?

С. ЮСУПОВ,
Тошкент шаҳри

ЖАВОБ: Фуқаролик кодексининг 1135-моддасига кўра, фарзандингиз қонун бўйича биринчи меросхўрлар тоифасига кирди. Фуқаролик кодексининг 29-моддасига асосан, ўн тўрт ёшга етмаган болалар учун битимларни уларнинг номидан фақат ота-онаси, фарзандликка олувчилар ёки

васийлари тузиши мумкин. Олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган болалар қуйидагиларни мустақил равишда амалга оширишга ҳақли:

- 1) майда маъийий битимлар;
- 2) текин манфаат қўришга қаратилган, нотариал тасдиқлашни ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимлар;
- 3) қонуний вақил ёки розилиги билан ўнчинчи шахс томонидан муайян мақсад ёки эркин тасарруф этиш учун берилган маблағларни тасарруф этиш борасидаги битимлар тузиш.

Умида АЪЗАМОВА,
Олмасор туман ДНИ нотариуси

САВОЛ: Бир неча йилдан буён Тошкент шаҳрида яшайман. Вилоятда отамнинг ҳовлиси бор. Уни менга отам оғзаки васият қилиб қолдирган. Уша уйда акам яшаб келади. Отам вафот этгач, ҳовлини сотаман десам, акам қаршилик кўрсатмоқда. Бу муаммони қандай ҳал қилсам бўлади?


В. ЁҚУБОВ,
Тошкент шаҳри

ЖАВОБ: Фуқаролик кодексининг 1134- ва 1135-моддаларига асосан, мерос қолдирувчининг болалари (жумладан, фарзандликка олинган болалари), хотини, ота-онаси тенг улушларда би-

ринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўлади. Сиз ота ҳовлинингизни оғзаки билан васиятномага асосан олишингиз мумкин эмас. Чўнқи васиятнома нотариал тартибда расмийлаштирилган. Фуқаролик кодексининг 1124-моддасида васиятноманинг шаклига доир умумий қоидалар кўрсатилган. Шунга кўра ушбу мол-мулкдан барча қонуний меросхўрлар қатори ўз улушинингизни олишингиз мумкин. Бунинг учун отангиз яшаган тумандаги давлат нотариал идорасига ариза билан мурожаат этасиз.

Валентина ОВСЯННИКОВА,
Юнусобод туман ДНИ нотариуси

Саломатлик, экология, оммавийлик



(Давоми. Боши 1-бетда).

Айнан шу жиҳатларни ўз аъмолига айлантормоққа ҳаракат қилаётган ЎзКУФК томонидан ташкил этилган Веломарафоннинг якуний босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва пойтахт шарафини ҳимоя қилган икки юз нафардан ортиқ хаваскор велоспортчи иштирок этди.

Дастлаб аънавий тарзда болажонлар мусобақаларини бошлаб беришди. Пойтахтимизда жойлашган 23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари иштирокида ташкилотчилар томонидан туҳфа этилган велосипедларда уюштирилган жажжи мусобақа болажонлар ва томошабинларга завқ-шавқ улашди.

— Бугунги мусобақа кўтаринки кайфиятда ўтмоқда. Мусобақани болажонларнинг бошлаб берганида рамзий маъно бор. Улардан вақти келиб, яхши-яхши велоспортчилар етишиб чиқишига умид қиламиз. Келажакда бу Веломарафоннинг аънавий тус олишини режалаштираёلمиз, — деди ЎзКУФК маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Ирисмуҳаммад Абдукаримов.

25 ёшдан 34 ёшгача бўлган эркеклар (10 айлана: бир айлана 840 метрга тенг) ўртасида кечган беллашуларда Тошкент шаҳри вакиллари Алексей Смирнов ва Руслан Михайлов рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмай, шохсупанинг 1- ва 2-ўринларини банд этишди. Кейинги поғона эса фарғоналик Фанишер Нурматовга насиб этди.

— Велоспорт — саломатликка катта фойда берадиган спорт тури. Агар



расенко (Тошкент шаҳри), Нигора Муҳаммадиева (Сурхондарё), Дилором Сеитова (Қорақалпоғистон Республикаси) шохсупадан ўрин эгалладилар.

35 ёшдан юқори эркеклар (6 айлана) мусобақасида иштирок этган спортчиларнинг ёшларга ўрнатилган натижалари, саъй-ҳаракатлари қарсақлар билан кутиб олинди. Бу ёш тоифасида ҳам пойтахтликлар рақибларидан анчагина кучли ва маҳоратли эканликларини амалда исботлашди. Шунга мувофиқ равишда, Сергей Лагутин, Руслан Усеинов (Тошкент шаҳри), Куаниш Худойбергенов (Қорақалпоғистон Республикаси) кучли уликни ташкил этишди.


Аёллар (4 айлана) орасида эса Светлана Исаева (Тошкент шаҳри), Дилбар Султонова (Қашқадарё), Полина Бочарева (Тошкент шаҳри) шохсупага кўтарилди.

Албатта, бундай мусобақаларда муҳими голиб чиқиш эмас. Асосийси — иштирок этиш, таниннг чинқиши дўстлар ортирилгани.

Дилдаги гаплар

— Тўғриси, Республика босқичида бунчалик кучли спортчилар қатнашади, деб ўйламаганим. Вилоят ва якуний мусобақалардаги фарқни яққол ҳис қилдим. Ҳозир анчагина толиққанмини сезаялман. Лекин иштирокимдан хурсандман. Айниқса, болакайларнинг мусобақалашгани менда катта таассурот қолдирди. Велоспортнинг оммалашишида хизмат қилаётганларга эса ўз миннатдорлигимни билдираман, — деди Қашқадарё вилояти вакиласи Дилбар Султонова.

— Велоспорт — саломатликка катта фойда берадиган спорт тури. Агар



машқда танангдан бир томчи тер чиқса ҳам бу кайсидир касалликдан қўтилганидан дарах беради. Кува тумани кишлоқ хўжалиги ва ижтимоий-иқтисодийёт коллежи жисмоний тарбия фани ўқитувчиси. Велоспортга қизиқшим катта. Яратилган шароитлардан мамнунимиз, — деди фарғоналик Фанишер Нурматов.

— Хурсандчилигимнинг боиси шунки, велоспорт юртимизда энди-энди ривожланиётган бўлишига қарамай, тез ёйилиб бормоқда. Бутун дунёда велоспорт катта ўрин тутади. Айниқса, болаларимизнинг бу спорт тури билан оммавий тарзда шуғулланишларини хоҳлар эдим. Ушанда аянам кўплаб спортчиларимиз дунёга республикамиз номини таратишарди. Юртдошларимизга тезроқ велосипед харид қилиб, оилавий тарзда шуғулланишларини тилаб қоламан, — деди мусобақа голибаси Евгения Тарасенко.

— Кайфият жойида. Мен бундай мусобақаларда голиб чиқариб ўрганиб қолганман, — дейди ҳазиллашиб Сергей Лагутин. — Ўн беш ёшимдан бош-

лаб велоспорт билан шуғулланаман. Ҳозир эллик беш ёшдаман. Велосипедга ўтиганимга қирқ йил бўлибди. Мана сизга яна битта байрам. Тўғриси айтсам, ҳар бир эркек киши машина сотиб олишдан аввал велосипед харид қилиши керак, деб ўйлайман. Биз оилавий тарзда бу спорт тури билан шуғулланамиз. Ўғлим Сергей Лагутиннинг муваффақиятлари мени ҳар доим хурсанд қилган. У ҳозир Олимпиадада 2300 метр балангликдаги тоғларда тайёргарлик кўраётти. Юртдошларимизга эса тезроқ велоспорт билан шуғулланишларини маслаҳат берайдем.

— Мусобақада галаба қозонганимдан жудаям хурсандман. Голиблик ҳисси барибир ёқимли. Томошабинлар олқиши, мусобақадаги кураш юракка анчагина қувват бағишлайди. Мен ҳар доим ҳаракат ва спорт тарафдориман. Барча ёшларни ва умуман, барчани бундай мусобақаларда иштирок этишга чақираман. Мана шу мусобақа шарофати билан мени мураббийлар танишди. Улар аянам катта велотурларга қатнашини тақлиф этишди. Ташкилотчиларга биз учун мана шундай мусобақани уюштириб берганлари учун раҳмат айтаман. Бундай спорт байрамлари кўпаярсин, — деди яна бир голибаси Светлана Исаева.

— Рақибларимнинг профессионал даражадаги тайёргарлиги мени ҳайрон қолдирди. Аянам кўпроқ шуғулланиш кераклигини дилмига тугиб кетаялман. Веломарафон кўпчиликлари хуш кайфият, тетиклик берганига гувоҳ бўлдим.

Бундай мусобақаларнинг кўпайиши фақат фойдамизга хизмат қилади, деб ўйлайман. Кейинги мусобақаларда, албатта, голиб бўлишга ҳаракат қиламан, — деди мусобақа иштирокчиси, Қарши Давлат университети жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Камол Бўриев.

Хулоса ўрнида

Чиндан ҳам мазкур Веломарафон юртдошларимиз кўнглига хушудлик улашди, ҳамжихатлиқни мустаҳкамлашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Бошқача айтганда, жамиятимизда соғлом муҳитнинг қарор топишида, экологик тоза транспорт воситасининг тарғиботида яна бир муҳим қадам ташланди. Элиг тинчу соғ-саломат бўлса, осмонингга қора булут бўйламаса, фарзандларинг жисмонан соғлом, маънан қатъий бўлмоққа интиляётган эрса, юмушингга бемалол ун-нашан, кечкурун хотиржам ухлайсан киши.

Халоват деганлар балки шудир...
Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Саховат



«1000 та Никоҳ ва 1000 та Суннат тўй» хайрия акцияси

«1000 та Никоҳ ва 1000 та Суннат тўй» хайрия акциясининг навбатдагиси Жиззах шаҳрида ўтказилди. Тадбир доирасида Жиззах тумани ҳамда Жиззах шаҳрида истиқомат қилувчи 11 жуфт ёшларнинг никоҳ ҳамда 10 нафар болакайнинг суннат тўйлари ўтказилди. Ушбу акция тўй ўтказишга моддий жиҳатдан қийналган оилалар ҳаётида унутилмас из қолдиргани шубҳасиз. Хайрия акцияси доирасида 25-26 июн кунлари вилоят бўйича ёш жуфтлар учун 70 та никоҳ тўй ва 10 ёшгача бўлган 95 нафар бола учун суннат тўйлари ўтказиб берилди.

«Баҳора» тантаналар мажмуасида ташкил этилган тадбир лойиҳа муаллифи Гулнора Қаримова номидан табири сўзлари билан бошланди. Суннат тўйлари нишонланаётган болажонларга ташкилотчилар ва ҳомийлардан велосипедлар, ўйинчоқлар ва спорт либослари тақдим этилди. Ёш келин-куёвларга эса Фонд Форумдан эсдалик совғалари топширилди.

Тантанали тадбирда иштирок этган вилоят ҳокими Сайфиддин Исмоилов 2012 йилнинг март ойидан сентябрга қадар Фонд Форум, «Аёллар кенгаши» РЖБ, «Меҳр нури» жамоат жамғармаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур кенг қамровли хайрия акцияси эсда қоларли воқеа сифатида Жиззахга ҳам етиб келганлигини мамнулик билдирди. Янги қурилган оилалар мустаҳкам бўлиши учун ёшлар биргаликда ҳаракат қилишлари лозим дея таъкидлади.

Шундан сўнг, фуқаролик ҳолатларига далolatномалар ёзиш бўлими томонидан ёшларнинг никоҳлари расман қайд этилиб, уларга никоҳ гувоҳномалари тантанали равишда топширилди. 500 дан ортиқ меҳмонларга ҳомий ташкилотлар томонидан байрам дастурхони ёзилиб, санъаткорлар ижросида дилрабо куй-қўшиқлар янгради.

Бундай никоҳ ва суннат тўйлари 25-26 март кунлари Навоий вилоятида, 27-28 март кунлари Қашқадарё, 19-20 июн кунлари Бухоро, 22-23 июн кунлари Самарқанд вилоятларида ўтказилган эди.

«1000 та Никоҳ ва 1000 та Суннат тўй» лойиҳаси Мустаҳкам оила йиллида минглаб ёшларга оилавий ҳаётни ёрқин ҳодиса билан бошлаш имконини бермоқда. Фонд Форум расмий веб саҳифасида маълум қилинишича, бугунги кунгача 477 та никоҳ ва 594 та суннат тўйи ўтказилди. Лойиҳа 28-29 июн кунлари Сирдарё вилоятида давом этади. Йил якунига қадар никоҳ ва суннат тўйлари Сурхондарё, Хоразм, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган.

Ҳ. ФОЗИЛОВ,
Жиззах шаҳар ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари



Хушхабар

Ховос тумани «Фарҳод» қишлоғида яшовчи Гулмира Ҳасанова бир йўла уч эгизак фарзанд кўрди. Хушхабар бир зумда бутун воҳага ёйилди...

Уч эгизак

— Бу ҳол чиндан-да биз учун қувончли воқеа бўлди, — дейди туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилқарам Эрназарова. — Шу муносабат билан ушбу хонадон эгаларига туман ҳокимлигининг махсус совғаси, 3 та болалар аравачаси ҳамда ҳомий ташкилотларнинг совға-саломлари тақдим этилди.

Чақалоқларнинг соғлом дунёга келишларини таъминлашда вилоят перинатал марказининг тажрибали гинеколог шифокорлари Маъмура Тошматова, Гулбахор Шодиева ва «Медиа сервис» хусусий шифохонаси шифокори Нигора Ҳакимованинг хизмати катта.

«Оила» маркази «Қизил ярим ой» жамияти вилоят бўлими томонидан Ҳасановлар оиласига керакли дори-дармон ва совға-салом топширилди. Уч нафар чақалоқ айни кунда малакали шифокорлар кўриги остида парвариланмоқда.

Н. АНОРБОВ

ЕВРОПА ВА УЗОҚ ШАРҚДА

етти йил сақланган белбоғ

Асли шохимардонлик Омон ота Охунов билан анча йилдан бери бир уйда турамиз. У иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Отанинг бир ҳикоясини ҳар гал мириқиб эшитаман:

— Ҳали ўн саккизга тўлмагандим. Урушнинг иккинчи йили эди. Ҳозирги Фарғона туманидаги Каптархона қишлоғида дала ишларини бажариб юраддим. Қўтилмаганда дала четидеги тупроқ йўл чангиди. Полторка машина пайдо бўлди. Машинадан ҳарбий кийимдаги икки киши тушиб келди. Кўп ўтмай жанг майдонларига олиб кетишди.

Душман устидан галаба қозонилгач, япон жангқўҳларига ҳужутишди. Сўнгра Украинага... Хуллас, етти йил ватандан йирокда юрдим. Ниҳоят, катта

ҳаяжон билан Ўзбекистонга, Фарғонага қайтдим. Гўзал Шохимардоннинг соя-салқин, жаннатмонанд боғларига кириб келдим. Уйимга етиб келсам, анча-мунча одам тўпланган, онам менга атаб ис чиқараётган экан. Нима ҳам қилсин? Ахир менга бир эмас, уч марта қора хат келган экан! Албатта, совуқ маросим шодёнага айланми. Қувончимизнинг чеки йўқ. Онам ўзини босиб олгач: — Мен берган қорси қани? — деб сўради.

Гимнастёркам ичидан беллигма боғлаб олган белбоғни ечдим. Утган етти йил мобайнида белбоғнинг ранглари ўчиб кетганди. Ундан ачқик тер ва балки қон хиди анқирди. Онам белбоғни қўлига олиб, юзига босди. Ҳа, ўтган

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Тошкент вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси, Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашлири жамоалари тармоқнинг Тошкент вилояти касабаси уюшма кенгаши раиси Муяссар Исмоиловага ақаси

Анвар БАДАЛБАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор қилади.

Тошкент вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси «Ўзметкомбинат» ОАЖ касабаси уюшма кўмитаси раиси Илхом Қурбатовга волидаи мухтарамаси ТУФАНИСО аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ҳамиджон ФИЁСОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To'liqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib)

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99894 226 28 84;
Namangan + 99897 491 79 28;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99873 221 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2012@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
N. Rafiqov

Navbatchi:
A. Arslonov

Musahhif:
N. Mahamov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H. Abdullilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: «Buyuk Taron» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatishi shart. Mualliflar fikri ta'biriyot nuqtai nazaridan farg'lanishi mumkin.

h - Tjorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21.00 Topshirildi - 21.30

Buyurtma Γ — 611
21585 nusxada bosildi
1 2 3 4